

Соғиндик Сизни...



16:48 / 08.12.2017 4024

Ҳабибим! Неча йиллар ўтса ҳам орадан, гўё озгина аввал ташриф буюргандексиз дунёга. Ҳали-ҳамон хушбўй исингиз дунёимизни тарк этмади.

Боғчалардаги гулларнинг барчаси ҳозиргача хушбўй ҳидларини Сиздан олмоқдалар.

Саҳардаги қушлар сайраши, мусаффо ҳаво, анвойи гулларнинг ислари – барчаси менга Сизни эслатади...

Дунёнинг барча гўзалликлари Сизнинг хулқингизда мужассам бўлгани учун қачонки ейшим, ичишим, юришим, гапиришимни Сизга ўхшатишга ҳаракат қилсам, ҳатто энг кичик бир суннатингизга эргашсам, хаёлимга дарров Сиз келасиз-да, баногоҳ қалбим баҳор боғларига айланаверади...

Жанобим! Сизнинг энг қийин ҳолатларда кўрган чораларингиз, йўл режаларингиз, ҳатто душманлар билан бўлган муомалаларингиз мени ҳайратга туширади. Саҳобийларнинг болалари оталари ғазотдан қайтаётганларини кўришгани он ота-акаларини қўйиб, Сиз томон чопишлари ёш болаларга бўлган меҳрингиз нақадар улуғ эканига очиқ далилдир.

Оналаримиз учун Сиздан ташқари ҳамманинг муомаласи оғир туюлиши аҳли оилангизга қанчалик хушмуомала бўлганингизнинг белгисидир.

Кўргим келар Сизни, Султоним! Бир Сарв ғори каби... Қалбининг туб-тубига

муборак оёқларингизни босганингиз... ва бутун меҳру севгиси ила Сизни бағрига босган ғор каби...

Мадинада иссиқ кунларда хурмо дарахти устида Сизни кутган, туянгизнинг оқи узоқдан кўриниши билан “Расулуллоҳ!.. Расулуллоҳ!..” дея ҳайқириб, тушишга шошилган бир ансор йигит каби кўргим келар Сизни... Саййидим, кўчаларда ўйнар экан, қаршингизга севинч-ҳаяжонлари ила чиққан Бани Нажжор болалари билан кўргим келар Сизни... Шундайинки, уларга “Сизлар мени яхши кўрасизми?!” деганингизда, “Албатта, ё Расулуллоҳ!” дейишгани ҳамда Сиз уларга “Аллоҳ шоҳидки, мен ҳам сизларни яхши кўраман!” деганингиз болалар каби...

Кўксимда дард-алам тошларини кўтариб, Билол каби кўргим келади. Сиз менга табассум-ла назар қилганингиздан сўнг на Умайянинг зулми, на устимдаги юкнинг оғирлиги таъсир қилмагани каби...

Чақирганингизда бутун кучи билан илдизларини ердан суғуриб, олдингизга сакраб-сакраб келган дарахт каби шиддатли муҳаббат-ла кўргим келади Сизни... Ки амр этмасангиз эди, асло жойига қайтиб бормас, қуриб битгунча ҳаётини сизга термулиш ила ўтказадиган дарахт каби... Султоним, бундан 1446 йил аввал айна кунларда дунёларни куфр зулматларидан иймон нурига олиб чиқиш учун дунёга ташрифингиз амалга ошган эди. Ўша даврдаги кўзи ожиз Варақа ибн Навфал каби яна сизни кутмоқдаман, келмаслигингизни билсам-да...

Сиздан фироқда қолган хурмо дарахтининг инграши каби инграмоқдаман. Келиб бошимни силаб, жаннатдаги висолнинг хушхабарини бериб мени овутишингизни кутиб йиғламоқдаман...

Масжидул Ақсо каби... Бағри қон, қўллари кишанли, ортиқ минораларида бомдод азони айтилмас бўлган кўнгли ўксик... Мадинадан келган шаббоданинг муаттар бўйларини ҳидлаб йиғламоқдаман...

Бир вақтлар бағрида чечаклар очилган, ҳозирда эса қон ва зулмга тўла, кучсиз, ерларга йиқилган Шом каби йиғламоқдаман...

Сизни кутиб қўлларимни чўзганча Аракандаги мазлум бўлиб йўлингизни кўзламоқдаман.

Африкадаги чанқоқ гўдакман...

Саҳарлари муаттар бўйингизни димоғимга тортиб, Сизга салавот айтганча душманга қарши чиққан фаластинлик йигитман.

Сизни кутмоқдаман етим бир гўдак каби... Тунлари уйқумда келиб бошларимни силашингизни кутмоқдаман.

Кутмоқдаман!.. Бу бечора умматни қайтадан нурли йўлларга олиб чиқишингизни кутмоқдаман, Султоним.

Муҳаммад Али Юсупов